⁴ Андрианова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устно речевому общению на русском языке: Дис. ... д-ра. пед. наук. – Т., 1997; Аскарходжаева М.И. О некоторых психологических особенностях становления двуязычия дошкольников-узбеков // Русский язык в узбекской школе. – Т., 1970. - №3; Барыбина Н.С., Патуллаева З. Использование игр в процессе обучения детей 5-6 лет каракалпакской разговорной речи в детских садах. – Нукус, 1990; Кадырова Р.М., Кадырова Ф.Р. Болаларга чет тилини ўқитиш назарияси ва методикаси. – Т.: Fan va texnologiya, 2009; Кабиллов Р.Х. Развитие русской речи учащихся начальных классов сельской узбекской школы во внеурочное время: Дис. ... д-ра. пед. наук. – Т., 1991; Никольская А.В., Аскарходжаева М.И. Методика обучения русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. – Т., 1977; Талипова Р.Т. Игра как средство развития устной разговорной речи учащихся начальных классов узбекских школ: Дис. ... канд. пед. наук. – Т., 1971; Йўлдошев Р.А. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўргатиш методикаси. Монография – Т., 2015; Хегай М.А. Лингвистические основы содержания первоначального обучения русской устной речи в узбекской школе: Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – М., 1979; Наурызбаева А.С. Методика обучения конструированию предложения на уроках каракалпакского языка в начальных классах школ с русским языком обучения: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т., 2002.

⁵ Куранов М. Культура межнационального общения. Педагогика // Журнал Российской Академии образования. 1992. - №7; Тиллашев Х.Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока Эпохи Средневековья. – Т.: Фан, 1989; Шермухамедов С. Русский язык – великое и могучее средство общения советского народа: Книга для внеклассного чтения (VIII-X). – М.: Просвещение, 1980.

⁶ Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққийидан лавҳалар. Тузувчилар. А.Зуннунов, М.Хайруллаев, Н.Ҳотамов, Д.Шодиев. – Т. Фан, 1995.

М.М.Рихсиева, Д.Р.Тошхўжаева, К.М.Халикбердиев, Х.Мухитдинова, Г.Асилова, Н.Дадажонова, М.Камалова, Г.Курбанова, Л.Мирджалалова⁷; қорақалпоқ ва рус тиллари қиёсий грамматикаси, морфологияси ва синтаксиси А.Джаксыбаев, Қ.Қошанов, Д.С.Насыров, А.Умаров, Н.А.Урумбаевлар⁸; қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш методикаси Т.Караматдинова, В.А.Миреевалар⁹ томонидан тадқиқ этилган.

Болаларни русча сўзлашув нутқига ўргатиш В.И.Андриянова, Н.С.Барыбина, М.Оттепбергенова, Ф.Р.Кадырова, В.А.Миреева, Е.И.Негневицкая, А.В.Никольская, М.И.Аскарходжаева, А.А.Брудный, Л.П.Буева, Б.Ф.Ломов, Е.Ф.Тарасов, И.Т.Тарасова, Т.А.Антонова, Т.Ладыженская, А.И.Гвоздева, Г.М.Андреева, А.В.Звегинцев, Е.И.Негневицкая, А.М.Шахнарович, А.И.Соколовлар¹⁰ томонидан тадқиқ этилган.

⁷ Асалов Х. Саккиз йиллик рус мактабларининг 5-8 синфларида ўзбек тили дарсларида феълни ўрганиш: Пед. фан. ном. ... дис. – Т., 1970; Ахророва Г.П. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида қўмакчилик бирикмаларни ўргатиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1999; Рихсиева М.М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Т., 1999; Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунига ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. – Т., 2000; Халикбердиев К.М. Первоначальное обучение узбекскому языку учащихся школ с русским языком обучения: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т., 1971; Мухитдинова Х.С. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед. фан. д-ри ... дис. – Т.: ТДПУ, 2011; Асилова Г.А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): Пед. фан. д-ри ... дис. – Т.: ТДПУ, 2017; Дадажонова Н.М. Ўзбек тили таълими жараёнида олий ўқув юр்தларининг нофилологик ихтисосликларида ўқийдиган талабаларнинг нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Фаргона: ФарДУ, 1995; Камалова М.Н. Обучение узбекскому речевому этикету русскоязычных учащихся академических лицеев: Дис. ... канд. пед. наук. – Т.: УзГУМЯ, 2006; Курбанова Г.Н. Тиббиёт институтларининг рус гуруҳларида «Ўзбек тили» фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ихтисосий нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Бухоро: БухДУ, 2000; Мирджалалова Л.Р. Ўзбек тили машғулотларида болаларни савол-жавобга ўргатишнинг назарий-методик асослари (таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган болалар богчалари мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2002.

⁸ Джаксыбаев А. О сопоставлении русского и каракалпакского языков в учебных целях. – Нукус: Каракалпакстан, 1982; Кошанов К.М. и др. Об использовании иностранных заимствований в обучении учащихся начальных классов каракалпакских школ. – Нукус, 2012; Насыров Д.С. х.б. Русша-каракалпакша лингвистиклық терминлер сезлиги. – Нөкис: Билим, 1992; Умаров А.У. Сопоставительная грамматика русского и каракалпакского языков. – Нукус: Билим, 1992; Урумбаев Н.А. Краткий курс сопоставительной морфологии русского и каракалпакского языков. – Нукус: Билим, 1991.

⁹ Караматдинова Т.К. Формирование навыков русской речи учащихся начальных классов каракалпакской школы. – Нукус: Каракалпакстан, 1990; Миреева В.А. Обучение говорению на русском языке в каракалпакской школе. – Нукус: Каракалпакстан, 1990.

¹⁰ Андриянова В.И. Совершенствование обучения русской устной речи узбекских школьников. – Т.: Фан, 1988; Барыбина Н.С., Оттепбергенова М. Балалар бақшасында ойын-заўықларды таярлаў хэм өткерий барысында каракалпак сөйлеў тилин раўажландырыў. – Нөкис, 1991; Кадырова Ф.Р. Лингводидактические основы обучения детей дошкольного возраста второму языку (на материале русского и узбекского языков). – Т.: Фан, 2006; Миреева В.А. Обучение говорению на русском языке в каракалпакской школе. – Нукус: Каракалпакстан, 1990; Негневицкая Е.И. Игровые формы активизирующие лексику // Русский язык в молдавской школе. – Т., 1984, - №4; Никольская А.В., Аскарходжаева М.И. Методика обучения русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. – Т., 1977; Брудный А.А. К теории коммуникативного воздействия // Теоретические и методологические проблемы социальной психологии. – М., 1977. – 39 с.; Буева Л.П. Человек: деятельность и общение. – М.: Мысль, 1978; Ломов Б.Ф. Общение как проблема общей психологии / Методологические проблемы социальной психологии. – М., 1975. – 132 с.; Тарасов Е.Ф. Проблемы теории речевого общения / Научный доклад по опубликованным трудам представленной к защите дис. ... д-ра. филол. наук. – М., 1992. – С.32-33; Тарасова И.Т. Смысл предложения – высказывания и коммуникация: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – М., 1992; Антонова Т.В. Роль

Хорижий олимлар Ж.Нюттен ва Дж. д'Идеваль (Бельгия), Л.Мартин ва С.Майклз (АҚШ), Ю.Нойберт ва Р.Томчик (Германия), С.Ф.Ларсен (Дания), Л.Стрикленд (Канада), А.Н.Леонтьев, А.А.Бодалев, В.А.Кан-Калик (Россия) ва бошқалар ўз илмий асарларида педагогик мулоқот қонунларига алоҳида эътибор қаратган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг Ж.Урунбаев номидаги Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 «Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва янги қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиёти методикасини такомиллаштириш» (2017-2020 йй.) фундаментал илмий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади билингвизм шароитида мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича тавсия ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

билингвизм шароитида мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик, психологик имкониятларини такомиллаштириш;

таълим рус тилида юритиладиган мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида болаларни қорақалпоқ тилига ўргатиш методикасини лингводидактик таъминот ва педагогик диагностикани таъминлашини илмий методик жиҳатдан такомиллаштириш;

икки тиллилик шароитида болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш моделини, ташкилий-технологик ва натижавий-рефлектив компонентларини аниқлаш;

қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини инновацион таълим ва муҳитини ташкил қилиш орқали туркумлаштириш;

билингвизм шароитида русийзабон болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган локал технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш жараёни бўлиб, Нукус шаҳридаги 27, 31, 34-

общения в регулировании отношений детей дошкольного возраста в игре: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – М., 1983; Ладъженская Т.А. Система работы по развитию связной устной речи учащихся: Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – М., 1972; Гвоздев А.И. Вопросы изучения детской речи. – М.: Изд. АПН РСФСР, 1961; Андреева Г.М. Принцип деятельности и исследования общения // Общение и деятельность. – Прага, 1981; Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. – М., 1976; Негневицкая Е.И., Шахнарович А.М. Язык и дети. – М.: Наука, 1981; Соколов А.И. Внутренняя речь и мышления. – М., 1967.

сон ва 1-сон ихтисослаштирилган мактаб, Хўжайли туманидаги 71 ва Тахиаташ туманидаги 3-сон умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида; Нукус шаҳридаги 30, 34, 35-сон, Хўжайли туманидаги 15 ва Тахиаташ туманидаги 2-сон мактабгача таълим ташкилотларида жами 911 нафар болалар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида болаларни билингвизм шароитида қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий, психологик, дидактик ва методик адабиётларни таҳлил қилиш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синф ўқитувчиларининг илгор педагогик тажрибасини ўрганиш, педагогик кузатиш, танқидий-қийсий таҳлил, сўровномалар, педагогик эксперимент, тажриба натижаларини математик ва статистик қайта ишлаш, натижаларни умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

икки тиллилик шароитида тил таълимига компетент ёндашув ва уни рус гуруҳлари ва синфларида қорақалпоқ тилини ўқитишда қўллашнинг лингводидактик асослари нутқни ривожлантириш учун лингводидактик шарт-шароитлар яратиш (ўйин, машқ, меҳнат, тасвирий фаолият, бадий-нутқий) асосида такомиллаштирилган;

таълим рус тилида олиб бориладиган бошлангич синфларда ўқувчиларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмалари компетенцияси оғзаки ва ёзма, монологик ва диалогик нутқ турларига алоқадорлигига кўра тил ва мулоқот маданияти, лингвистик компетенция ва билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантириш каби компонентларга ажратилган;

қорақалпоқ тили дарсларида назарий қоидаларни амалда қўллашни ўргатишнинг когнитив, эмоционал ҳиссий ва фаолиятга доир босқичлари праксиологик ёндашувга асосланган хатоликлар устида ишлаш, қайта ҳикоя тузиш, эркин хат ёзиш каби рефлексив технологиялар асосида такомиллаштирилган;

икки тиллилик шароитида қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг экспериментал исботланган праксиологик ёндашувга асосланган рефлексив технологиялар (интерфаол методлар, аутентик ўқув материаллари)нинг методик тизими ишлаб чиқилган, дивергент ва конвергент ёндашувлар асосида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган грамматик бирликларни сензитив ўрганишнинг назарий асослари очиқ берилган;

икки тиллилик шароитида болаларнинг монологик ва диалогик нутқини ўстиришнинг рецептив, репродуктив, продуктив каби уч босқичли тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотлари болалари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синф ўқувчилари томонидан икки тиллилик шароитида қорақалпоқ тили бўйича ўқув материали тизимлаштирилган;

дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мазмуни болаларнинг тил қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича янги маълумотлар билан бойитилган;

машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни диалог ва монолог тузиш, ахборот бериш ва фикр алмашиш учун қўллаш асосида ўқитишнинг амалий ва коммуникатив жиҳатлари мазмуни такомиллаштирилган;

болаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, халқнинг маънавий қадриятларини ҳис қилиш, болаларни жаҳон цивилизацияси билан таништириш асосида уларнинг фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

болаларда тинглаш, қорақалпоқча нутқни қабул қилиш ва тушуниб олиш, мустақил равишда гап тузиш, кўрган, эшитган нарсаларни илғаб олиш, ўз муносабатларини оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш кўникмалари ва қобилиятларини шакллантириш бўйича тавсиялар таълим тизимида жорий этилган;

таълим рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг бошлангич синф ўқитувчилари учун «Қорақалпоқ тили» фанидан ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашувлар, методлар ва назарий маълумотларнинг тўғрилиги; педагогик эксперимент самарадорлигини математик статистика методлари ёрдамида тасдиқлангани; хулосалар, тавсия ва таклифларнинг амалий жорий қилиниши; олинган яқунларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида тилни ўқитишнинг мазмуни ва методик асосларини такомиллаштиришда тавсия этилган тизим, методика ва баҳолаш мезонларининг илмий асосланганлиги; ўқувчиларнинг назарий билимларини амалда қўллаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги; давлат тилини ўқитиш методикаси бўйича махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфлари учун малака талаблари ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштиришда; рус гуруҳ ва синфлари учун қорақалпоқ тилидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин. Тавсияларни амалиётга жорий қилиш натижасида ўқувчиларнинг

билимларни онгли равишда ўзлаштириш имкониятлари ортади, нутқий хатоларни бартараф этиш ва олдини олиш учун мустаҳкам замин яратилади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида ва малака ошириш курсларида махсус фанларни ўқитишда маъруза матнлари сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки тиллилик шароитида мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш бўйича олинган натижалар асосида:

билингвизм шароитида, хусусан нутқ, лингвистик компетенция ва билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантириш дарсларида болаларда сўзлашув кўникмаларини ривожлантириш бўйича тавсиялар «Қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг назарий-методик асослари» монографиясига киритилган ва Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидаги мактабгача таълим ташкилотларига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги №01-01-08/1280-сон маълумотномаси). Натижада нутқни ривожлантириш дарсларида мактабгача ёшдаги болаларнинг назарий билимларни амалиётда қўллашнинг самарадорлигини ошириш бўйича ўқув материаллари тизимлаштирилди;

назарий қоидаларни билиш ва амалиётда қўллаш, таълим рус тилида юритиладиган бошланғич синфларда дивергент ва конвергент ёндашувлар асосида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган грамматик бирликларни сезитив ўрганиш бўйича тавсиялар «Qaraqalpaq tili» (УОК811.512.121'242(754.2) 3-синф, УОК811.512.121'242(754.2) 2-синф, дарсликлар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида тайёрланган) дарсликлари бўйича компонентли ёндашувга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги №01-01/10-2580 маълумотномаси). Наъмуна сифатида тайёрланган мазкур дарс ишланмалари ва методик тавсиялар бошланғич синфлар ўқувчиларининг лингвистик компетентлигини ва мустақил билим олиш қобилиятларини юксалтириш имконини берган;

қорақалпоқ тили дарсларида олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш, уларни ўрганиш босқичлари, праксиологик ёндашувга асосланган рефлексив технологиялар: интерфаол методлар, аутентик ўқув материалларини тайёрлаш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг Ж.Урунбаев номидаги Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган «Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва янги қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиёти методикасини такомиллаштириш» фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг Ж.Урунбаев номидаги Қорақалпоғистон

филиалининг 2020 йил 25 сентябрдаги 165-сон маълумотномаси). Мазкур материаллар бошлангич синф ўқувчиларининг ижодий фаоллигини, нутқий ва лингвистик компетентлигини оширишга хизмат қилган.

болаларда тинглаш, қорақалпоқча нутқни қабул қилиш ва тушуниб олиш, мустақил равишда гап тузиш, кўрган, эшитган нарсаларни илгаб олиш, ўз муносабатларини оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш кўникмалари ва қобилиятларини шакллантириш бўйича тавсиялар таълим тизимига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги №89-03-3856-сон маълумотномаси). Натижада баён қилинган назарий ёндашувлар талабалар, магистрантлар ва педагогик йўналишдаги ўқитувчилар учун илмий-методик манба хизматини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 6 та республика ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза шаклида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, жумладан 3 та монография, 2 та дарслик, 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 36 та, жумладан, республика нашрларида 31 та ва хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 267 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Сўзлашув кўникмаларини шакллантиришнинг назарий-методик асослари» деб номланган биринчи бобида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида ўқитишни амалий ва коммуникатив йўналтиришни ҳамда узлуксизликни кучайтириш зарурати, демакки, миллий истиқлол мафқурасига суянган ҳолда иккинчи тилга ўргатишнинг назарий ва методик асосларини тадқиқ қилиш, болаларнинг нутқ ва ўйлаш фаолиятини

фаоллаштириш, уларни қорақалпоқ халқининг маънавий кадриятлари билан таништириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурати асослаб берилган.

Мулоқот кўникмаларини шакллантириш асосини ташкил қиладиган дидактик тамойиллар коммуникатив ёндашув асосида ўқувчиларда қорақалпоқ тилини ўрганишга қизиқишнинг кучайишига, қорақалпоқ халқининг маънавий кадриятлари, маданияти, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш фаолиятида болаларда нутқни эгаллаш, ўз фикрлари ва сезгиларини мантиқий кетма-кетликда эркин баён қилишнинг рецептив ва продуктив турларини комплекс ўзлаштириш тизими такомиллаштирилган. Болаларни мулоқот йўли билан гапиришга ўргатиш, қорақалпоқ тилида сўзлашишга ўргатиш воситалари, метод ва услубларини тўғри танлашга ва ўқув материални алоҳида ташкиллаштирилган, қорақалпоқ тилини ўргатиш методикаси такомиллаштирилган.

Психологияда тил инсонлар орасидаги мулоқот учун қўлланиладиган энг муҳим белгилар тизими сифатида тушунилади. Мазкур тизим алоҳида моддий элементлардан таркиб топган (товушлар, сўзлар, иборалар, алоҳида элементларнинг бирлашиши ва ўзгариши).

Психологлар ва психоллингвистлар нутқни фикр-мулоҳазанинг билдирилиш ва қабул қилиниш жараёни, мулоқотни таъминлайдиган ўзига хос инсон фаолиятининг тури сифатида қарайдилар. Нутқнинг ўзи «нутқий ниятдан» у ёки бу тилдаги маъноларда акс этишига ўтиш ва кейин ташқи – оғзаки ва ёзма нутқда амалга ошиш жараёни ҳисобланади.

Амалиёт ва кузатувлар кўрсатадики, айрим ўқитувчилар суҳбат юритиш пайтида нормал нутқий мулоқотда болаларнинг «ава» (ҳа) ва «уақ» (йўқ) каби қисқа жавоблари билангина чекланиб, саволларга тўлиқ жавобни талаб қилмайди. Улар ўқувчилардан намунага ўзгартириш киритиб, шахсий ибораларини баён қилишига эришмайди, бутун иш намуналарини механик тарзда ёдлаб олиш ва тўлалигича ёки қисқартирилган ҳолда айтиб беришдан иборат бўлади. Болалар нутқи монотонли, таъсирчан ва ифодали эмас. Болалар бошқа воситаларни қўлламадан, фақат вербал тарзда ўз фикрларини баён қилишга интилади.

Нутқ фаолиятини бошқа фаолият турлари билан биргаликда қўллаш продуктив билингвизмни ривожлантириш, қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини иборалар, сўзлар, матнларни ёдлаб олиш ҳисобидан эмас, балки қизиқтирувчи характердаги қўшимча машқлар ҳисобидан ривожлантириш учун асослар яратади.

Шундай қилиб, қорақалпоқ тилини ўргатишнинг методологик асоси мазкур жараёни тил фактларини кузатиш ва таҳлил қилиш йўли билан билимларни эгаллаш; ўқув материаллари билан ишлаш кўникмалари ва маҳорати; топшириқларни бажариш қоидаларини ўзлаштириш ва ўзини ўзи назорат қилиш асосида ташкиллаштириш ҳисобланади.

Психолог олимлар ва амалиётчилар томонидан аниқланганки, болалар қорақалпоқ тилини ўрганишни қанча эрта бошласа, сўзлашув жараёни шунча самарали кечади. Бу болаларнинг ёш хусусиятларига – уларнинг ўзга тилдаги нутқни қабул қилиш ва айтиб бериш қобилиятига боғлиқ.

Ўтказилган эксперимент натижасида олимлар шундай хулосага келдики, каттароқ ёшда кўрсатилган қобилиятлар йўқолади. Болаларни 5-10 ёшдан, уларда қабул қилиш қобилияти тоза ҳолатда, нутқ аппарати эгилувчан ва ҳаракатчан бўлган даврда она тилидан бошқа тилга ўргатиш зарурати айнан шу билан асосланади.

Болаларнинг потенциал лингвистик қобилиятларини очишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ишлаб чиқилган машқлар тизими асосида ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришнинг мустаҳкам фундаменти хизматини бажаради.

Бу ўқиш мотивацияси, фанга, билиш фаолиятига бўлган қизиқиш, тилни ўзлаштиришга бўлган зарурат, умумий қобилиятларни ривожлантириш, педагогларда болаларнинг психологик, ёш ва индивидуал хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги.

Педагогик мулоқот маданиятини ривожлантириш қўйидаги икки циклни ўз ичига оладиган машқлар тизими асосидаги тренингни назарда тутаяди: 1) педагогик коммуникация элементларини амалий ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар; 2) берилган педагогик вазиятда бутун мулоқот тизимини ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар. Педагогик мулоқот тренинги кундалик амалиётда тегишли равишда амалга оширилади.

Респондентлар томонидан тавсия этилган мавзуларни яхлит идрок этиш, ўрганилаётган материалнинг гоёвий мазмунини тушуниш, бадиий образлар, тўқима, воқеа ва ҳодисалар орасидаги боғлиқликни тасаввур қилишнинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мазкур бобда қорақалпоқ тилини ўргатиш жараёнида болаларнинг ўқув материални ўзлаштиришида сўзлашиш кўникмаларининг асосий категорияларини қўллаш модели акс эттирилган (1-расм).

Мазкур моделнинг асосий гоёси ўқитувчиларнинг ўқув мақсадларини аниқ белгилаш кўникмаларини шакллантириш, метакогнитив, сенсорли-перцептив, мнемологик аклий жараёнларни бошқариш қобилиятини ўзлаштиришни ўргатиш, қадрият сифатларини ривожлантиришдан иборат.

Қорақалпоқ тили бўйича ўқув материални ўзлаштиришда асосий категориялардаги сўзлашув кўникмаларини шакллантиришнинг тавсия қилинаётган модели респондентларнинг назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш орқали янги билимлар олишига, билимларни эгаллаш заруратига ва қийинчилик, янги ва эски, берилган ва изланган, шароитлар ва талаблар ўртасидаги зиддиятлар мавжудлигида масалани ечишнинг интеллектуал имкониятларига асосланган. Моделга мувофиқ, респондент ўқув материални ўзлаштиришда ўз фаолиятини қўйидаги мезонлар бўйича тақсимлайди: 1) топшириқ ва матнни қабул қилишда бажарилиши шарт ҳаракатлар тузилиши; 2) ўқув материални ўзлаштиришга ёрдам берувчи ҳаракатларнинг ривожланиш даражаси; 3) респондентларнинг интеллектуал имкониятларига боғлиқ ҳолда тавсия қилинаётган ўқув материални тушуниб олиш.

Респондентларнинг аналитик ва синтетик фаолияти асосида сўзлашув кўникмалари, ўқув материални ўзлаштиришнинг асосий категориялари

шакллантирилган ва улар фикр юритиш, муҳокама қилиш, рефлексия босқичи учун асос яратади. Таълимнинг ушбу эвристик ва тадқиқот шакли ўқитиш самарадорлигини оширишга, ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади.



1-расм. Қорақалпоқ тилини ўргатиш жараёнида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш асосида ўқув материални ўзлаштириш модели.

Мазкур модель бундай методлар, мақсадлар ва вазифалар таркибий компонентларининг самарадорлигини, ижобий натижаларини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Диссертант томонидан болаларда қорақалпоқ тилидаги ўзига хос товушларнинг талаффузи тўғрисида тушунчалар шакллантириш, луғатнинг бойиши, гапларнинг қорақалпоқ тили грамматикаси қонунларига мос мантикий кетма-кетликда тузилиши, ўз фикрларини тўғри баён қилиш учун матнлардан фойдаланиш, мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида болаларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш бўйича дарсларни замонавий ташкил этиш ва уларга ўзига хос ёндашувлар зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг «Назарияда ва амалиётда қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш» деб номланган иккинчи бобида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари кўриб чиқилган ва қорақалпоқ тилини ўқитиш муаммосини ишлаб чиқишнинг алоҳида аҳамияти таъкидлаб ўтилган. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати тамойилларидан бири болаларнинг давлат тилини ўзлаштириши ҳисобланади. Болалар нутқидаги хатоларнинг мавжудлиги уларни янги педагогик технологияларни жорий қилиш, қорақалпоқ тилини ўқитишнинг самарали методлари ва усулларидан фойдаланиш асосида бартараф қилиш йўллари қидиришни тақозо этади.

Қорақалпоқ тилини ўқитиш бўйича материал мазмуни ва ҳажми давлат стандарти билан белгиланади ва унинг асосида ўқувчиларнинг ёш, психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастур ва ўқув-методик мажмуалари ишлаб чиқилади. Таълим рус тилида олиб бориладиган бошланғич синфлар ўқувчиларининг қорақалпоқ тилини ўзлаштиришдаги ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сабаблари тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга лойиқдир. Бунга нафақат рус ва қорақалпоқ тилларидаги фонетик, лексик, грамматик тизимлар орасидаги фарқларни, балки дидактик жараёнлар ўтишига ва натижаларига таъсир қилувчи, замонавий педагогикада факторлар (омиллар) деб аталмиш бошқа қатор сабабларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳар бир педагог, энг аввало, ўқувчиларнинг тил ўрганишга қизиқишининг пасайиши сабабларини аниқлаши лозим, чунки бу билимлар сифатининг пасайишининг ҳам муҳим сабаби ҳисобланади. Бизнинг кузатувларимизнинг кўрсатишича, таълим ютуғи ўқув жараёнининг самарадорлиги, оқилна ташкил қилиниши орқали таъминланади.

Белгиланган критерийларга мувофиқ, И.П.Подласый¹¹ таълим самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар рўйхатини ишлаб чиққан. Тушунчалар асосида қорақалпоқ тилини ўргатишнинг шундай тизимини яратиш мумкинки, унинг ёрдамида ҳар бир ўқувчи ўз билимлари, кўникма ва қобилиятлари самарадорлиги даражасини ошириши мумкин. Уларга қуйидагилар қиради: ўқувнинг мотивацияси; фанга, дарсликка, меҳнатга, билиш фаолиятига қизиқиш; тил ўрганишга бўлган зарурат; янги билимлар олиш нияти; топшириқларни бажаришда мустақилликни намоён этиш; ўйлаш ва нутқ фаоллигини юксалтириш; мулоқот кўникмаларини ўзлаштиришда тиришқоқлик ва қатъийлик; педагог томонидан: мулоқот жараёнини рағбатлантириш; ўқитиш жараёнини бошқариш; синчковлик, интизомлилик, тоқатлилик, билимларни амалиётда қўллашни ривожлантириш.

Болаларда ўқув материални ўзлаштиришга ёрдам берадиган умумий қобилиятларни аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади: психология фаолият хусусиятларини ҳисобга олиш; ўқувга тайёргарлик, эрудиция даражаси; билимларни ўзлаштиришга ва уларни мустаҳкамлашга сарфланган вақт; билим, кўникма ва қобилиятлар даражасини текшириш мақсадида вақти-вақти билан назорат қилиш; мустақил ўрганиш характери.

¹¹ Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х книгах. – М.: Владос, 1999.

Болаларнинг қорақалпоқ тилини ўзлаштиришдаги асосий ҳаракатлантирувчи куч – бу мотивация. Олимлар тушунчасида мотивация инсоннинг шахсий сифатларини ўз ичига олади. Мотивация инсонни фаол ўқув фаолиятига чорлайди, мотив – муайян ҳаракатларни келтириб чиқарадиган сабабдир. Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб ўқувчисининг муносабатлари ички мотивларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин (ташқи ёрдамларсиз мустақил равишда билимларни эгаллашга интилиш). Ўқувнинг мотивациясини шакллантириш учун педагог ўзини англаш, ўзига ўзи баҳо бериш, кўзланган мақсадга эришиш зарурлигига ўзини ўзи ишонтиришни текшириш учун шароитлар яратиши лозим.

Ўқувчининг билимларга муносабати топшириқларни бажаришга тайёр бўлиш, мустақил ишлашга интилиш, топшириқларни бажаришда онглилик, ўқитишнинг тизимлилиги ва ўз даражасини оширишга интилишда намоён бўладиган фаоллик билан белгиланади. Бу эса педагогдан ўзини ўзи текшириш – вазифаларни ечишнинг маълум усулларида комплекс фойдаланган ҳолда шахсий билим ва амалий ҳаракатларни таҳлил қилиш ҳолатини яратишни талаб қилади.

Янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда турли хил ўқитиш воситалари, методлари ва усулларида ранг-баранг комбинацияларидан фойдаланиш замонавий психология ва педагогика фани ва илгор тажрибалар маълумотлари асосида ўқитишнинг самарадорлигини кўп жихатдан таъминлайди.

Қорақалпоқ тилини ўзлаштиришнинг муҳим томони уни ўрганишга қизиқишни кучайтириш ва қизиқарли шакллардан фойдаланиш ҳисобланади ва бу болаларда ўйлаш ва нутқ фаолиятини турли вазиятларда кучайтириш асосида она тили ҳисобланмаган тилни ўзлаштиришга бўлган талабни шакллантиради.

Замонавий дидактикада мактаб ўқувчиларини ўқитиш мотивацияси фақат психологик категория эмас, балки бутун ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштиришнинг ажралмас таркибий қисмига айланмоқда.

Қорақалпоқ тилида мулоқот қилиш кўникмаларини муваффақиятли шакллантиришга она тили билан давлат тилини қиёслаш ёрдам беради. Бу маъно мазмунини англаб олиш, оғзаки ва ёзма нутқ ва фикрлашини фаоллаштириш ҳамда машқ топшириқларини ўтказиш ва атрофдагилар билан мулоқот пайтида мустақил равишда ўз ибораларини тузиш жараёнида она тили ҳисобланмаган тилни ўзлаштиришдаги қийинчиликларнинг олдини олиш, билимларни, қобилиятларни, фаол ўйлаш ва нутқ фаолиятини ўзлаштириш устидан мунтазам равишда назорат қилиш учун асос бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қизиқишлари жуда кенг, шунингдек, жуда ўзгарувчан бўлади. Педагогнинг вазифаси шундан иборатки, болаларда қорақалпоқ тилига дастлабки ташқи қизиқишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва ушбу қизиқиш барқарор, ички қизиқишга ўтишини таъминлаш лозим. Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда қорақалпоқ тилига бундай қизиқишни шакллантириш шартларидан бири – қизиқтиришдир.

Боланинг нутки қанча бой бўлса, унинг катталар билан мулоқоти учун шунча кенг имкониятлар очилади. Таълим жараёнини болаларнинг қобилиятларига, мойиллиги ва қизиқишларига, уларнинг шахсий тажрибасига йўналтириш дидактик материаллар, жумладан, турли фаолият турлари вариантларининг хилма-хиллиги зарурлигини келтириб чиқарди.

Кўргазмали воситалардан фойдаланиш ҳаёт билан алоқа имкониятини, таълимнинг коммуникатив йўналтирилганлигини кучайтиришни таъминлайди, болалардан ҳамма анализаторлар иштирокида объектларни қабул қилишни талаб қилади, бу эса абстракт ўйлашни шакллантириш учун замин яратади.

Шарқ мутафаккирлари асарларида шогирдлар билан ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методлари тўғрисидаги назарий фикр-мулоҳазалар алоҳида аҳамият касб этади. Қобилият ва кўникмаларни шакллантириш методлари, билимларни, машқларни текшириш ва билимларни изчил баён қилиш методлари билиш ва нутқ фаолиятини фаоллаштиради, тафаккурни ривожлантиради.

Маълумки, билимлар инсон тажрибасисиз бўлиши мумкин эмас. Тажриба ўйлаш ва нутқ фаолияти фаоллигининг юксалишига ёрдам беради, ўқувчиларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантиришни ўзаро тигиз болаган ҳолда болаларда мулоқот учун янги билимлар олишга қизиқиш ва талабни шакллантириб, билимларни онгли равишда ва мустаҳкам эгаллаш учун асос яратади.

Диссертациянинг «**Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида қорақалпоқ тилини ўргатиш методикаси**» деб номланган учинчи бобда таълим даражасига ва ўқув юкламаси ҳажмига бўлган асосий талабларни белгиловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилган.

Маълумки, икки тиллилик ва кўп тиллилик Қорақалпоғистон Республикаси тил сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, чунки бу ерда нафақат миллий-рус ва рус-миллий икки тиллилик, балки кўп тиллилик ҳам ривожланмоқда, сабаби Қорақалпоғистон кўп миллатли республика ҳисобланади.

Алоқа воситаси сифатида қорақалпоқ тилини ўзлаштириш одамларнинг қорақалпоқ халқининг тили, унинг бойиб бориши ва бошқа тиллар билан ўзаро алоқалари тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар ва синфларда давлат тилини ўрганиш болаларни ва ўқувчиларни қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан таништириш асосида ҳар томонлама етук шахсларни шакллантириш, халқлар ўртасида ўзаро алоқалар ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Қорақалпоқ тилини билиш халқ ижодиёти намуналари, бугунги кундаги шоир ва ёзувчилар асарлари, қорақалпоқ халқининг тарихи ва турмуши, бой маданияти, урф-одат ва анъаналари билан танишиш имконини беради.

Мактабгача таълимни ривожлантириш тарихида илк бор 1991 йилдан бошлаб таълим-тарбия рус тилида юритиладиган мактабгача таълим ташкилотларида қорақалпоқ сўзлашув нутқини ўргатиш 5 ёшдан бошланади. Бу пайтга келиб болалар мулоқот учун она тилини етарли даражада ўзлаштирган бўлади.

Бошлангич синфларга келадиган болаларнинг муайян қисми мактабгача таълим ташкилотларига бормаган, шу боис уларнинг кўпчилиги қорақалпоқ сўзлашув нутқини ўзлаштирмаган бўлади. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфлари учун лексик ва грамматик минимумда фарқ жуда кам, лекин айрим мавзулар озгина бошқача тартибда жойлашган бўлади, чунки мактабгача таълим ташкилотлари ва бошлангич синфларининг шароитлари ҳар хил. Фарқлар ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришда кўзга ташланади. Мактабгача таълим ташкилотларида ўқитиш шаклларида бири машғулоти ҳисобланади, мактабда эса – дарс. Бунинг устига, мактабгача таълим ташкилотларида қорақалпоқ тилини ўқитиш машғулоти мавзуга боғлиқ ҳолда бошқа машғулотлар билан биргаликда ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотлари турли режим пайтларида, табиий шароитда, шунингдек, болалар билан индивидуал ёки гуруҳ бўлиб ишлаш жараёнида нутқий вазиятларни аниқлаштириш учун бой имкониятларга эга. Шунга боғлиқ ҳолда, тарбиячилар олдида топшириқларни мураккаблаштириш, болаларни турли вазиятларга фаол жалб қилиш йўли билан қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини такомиллаштириш учун шароитлар яратиш вазифаси турибди. Бу эса болаларда қорақалпоқ тилини ўрганишга қизиқишни кучайтиришга, сўзлашув кўникмаларини автоматизм даражасигача етказишга ёрдам беради.

Таълим мазмунини танлаш, таълим жараёнини аста-секин қийинлаштириб бориш тамойиллари, шунингдек, воситалар, методлар ва усуллар мактабгача таълим ташкилотлари учун ягона ҳисобланади. Бунда ҳар бир педагог ўқитишни ташкиллаштириш масаласига, болаларнинг қизиқишлари, интеллектуал даражаси ва нутқий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда, ижодий ёндашиш имкониятига эга.

Бундай методикани ишлаб чиқиш зарурати янги билимлар олиш ва уларни амалий фаолиятда қўллаш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берди. Ушбу муҳим ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, методикани ишлаб чиқишда психолог-олимлар томонидан ишлаб чиқилган энг муҳим назарий фикрлар ҳисобга олинди ва бу ўқитишни коммуникатив ва амалий йўналтириш тамойилини амалга оширишни таъминлади ва бу давлат таълим стандарти талабларига жавоб беради.

Қорақалпоқ тилини ривожлантириш методикаси – мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида икки тиллилик ва кўп тиллилик шароитларида қорақалпоқ тилини ўзлаштиришда болаларнинг сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганувчи педагогик фан ҳисобланади.

Методик қоидалар Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари амалиётида синовдан ўтказилди ва бу қорақалпоқ тилини ўргатиш дастурига айрим тузатишлар киритишга ёрдам берди. Хусусан, лексик ва грамматик минимум қайта кўриб чиқиш, нутқ моделларининг энг муҳим намуналарини киритиш, янги сўзларни беришнинг фаол усулларидан фойдаланиш (педагог янги сўзни айтмайди, болаларнинг ўзлари ушбу сўзни топишига имкон беради), яъни ўқитишни болалар тажрибасига суянган ҳолда олиб бориш, болаларнинг турли манбалардан олган ўз билимларини намоён этиш истагини рағбатлантириш.

Экспериментнинг кўрсатишича, қорақалпоқ халқи тарихининг шонли саҳифаларини акс эттирувчи бадиий матнлар, қаҳрамонлар тўғрисида хикоялар, фольклор материаллари, она табиат тасвирланган асарлар, халқ анъаналари, урф-одатлари, шунингдек, республиканинг замонавий ютуқлари тўғрисидаги ахборотлар болаларда катта қизиқиш уйғотади.

Ўқув экспериментида сўзлашув кўникмаларининг асосий хусусиятларини ва топшириқларнинг қўйилган коммуникатив вазифага мослигини ҳисобга олувчи машқлар мажмуи ўзини оқлади. Бунда ўқувчиларнинг қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланди, яъни, бир томондан, турли шакллардаги иборалар, диалоглар, намунага суянган ҳолда баёнлар ва фикр-мулоҳазалар тузиш кўникмаларини шакллантириш, иккинчи томондан, сўзлашув вазиятига мувофиқ битта ёки бир неча микроматнлардан иборат шахсий ибораларни мотивациялаган ҳолда тузиш кўникмаларини такомиллаштириш.

Биз ўз методикамизда ўқитишнинг ўйин усулларини афзал кўрамиз, бунда болаларнинг ўз қобилиятлари ва потенциал имкониятарини очишга ёрдам берувчи хайрихоҳлик вазиятини яратилади. Айни пайтда, қорақалпоқ тилини ўрганишда болалар рус ва қорақалпоқ тили фонетик, лексик ва грамматик тизимини фарқлаб билиш билан бир қаторда, сўзлашиш пайтида нутқий вазият яратиши, қорақалпоқ тилининг талаффуз нормаларини қўллашда, муайян актив ва пассив лугатни ўзлаштириши, орфоэпик, грамматик, услубий, биринчи навбатда, коммуникатив-нутқий кўникмалар ва қобилиятларини намоён этишлари мумкин.

Ишлаб чиқилган ўқитиш методикасининг самарадорлиги шундан иборатки, у халқнинг миллий кадриятларини билиш воситаси, калити ҳисобланади.

Болаларга қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини ўргатиш бўйича режали ва тизимли ишларни ташкиллаштириш оғзаки ва ёзма нутқни шакллантиришнинг психологик, психолингвистик, лингводидактик, лингвометодик асосларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўқув материални ва илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган машқлар тизимини мақсадга мувофиқ танлаш асосида таъминланади.

Ўтказилган экспериментал ишлар натижалари қорақалпоқ тилида сўзлашишга ўргатишнинг биз томонидан ишлаб чиқилган методикаси мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқилган топшириқлар ва болалар учун

ўйинлар серияси қорақалпоқ тилини ўрганишга қизиқишларини оширади, лугат захирасининг бойишига, грамматик шаклларни тузиш, талаффузи қийин товушларни ўрганишга, халқнинг маънавий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига суянган ҳолда болаларнинг диалогик ва монологик нутқ кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Болаларнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биз методикада ўйин методлари ва ўқитиш усулларини афзал кўрамиз, чунки бу болалардаги тангликни бартараф қилади ва болалар ўзларини эркин ва бемалол сезади, нутқда хато қилишдан қўрқмайди, чунки ўқитиш жараёнининг ўзи педагог ва болалар ўртасидаги шериклик муносабатларига қурилган. Шунинг билан хайрихоҳлик, бир-бирини ҳурмат қилиш вазияти яратилади. Бу эса ўз навбатида янги билимларни эгаллашга тайёрликни намоён этишда яхши стимул ҳисобланади. Айти пайтда, болаларнинг ўз қобилиятларини очиши учун қулай имкониятлар яратилади.

Диссертациянинг «**Экспериментал-тажриба ишларини тайёрлаш ва ўтказиш**» деб номланган тўртинчи бобида мактабгача ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қорақалпоқ тилига ўқитиш жараёнида нутқий ривожланиш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Билингвизм шароитларида давлат тилининг устуворлиги она тили ва ўрганилаётган тилни ажратишни назарда тутаяди, давлат таълим стандарти даражасини пасайтирмасдан, таълим мақсадларини ўқувчиларнинг мулоқотга бўлган талабларидан фарқлашга сабаб бўлади.

Болаларга қорақалпоқ тилини ўргатиш мулоқот соҳасида коммуникатив вазифаларни ечиш қобилиятини шакллантиришни аниқлатади, бу эса болалар билан ишлаш шаклларини ташкиллаштиришни такомиллаштириш, болаларнинг оғзаки нутқни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришнинг самарали методлари ва усулларидан фойдаланишни талаб қилади.

Қайд қилиш ва ўқув экспериментларини ўтказиш учун Нукус шаҳри, Хўжайли тумани ва Тахиаташ туманидаги 5 та болалар боғчаси, 5 та умумий ўрта таълим мактаблари танлаб олинди. Болаларнинг нутқий тайёргарлиги даражасини текшириш хайрихоҳлик ва эркин ҳолатда ўтказилди ва бу болаларга ўз билимлари, кўникмаларини тўла намоён этишга ва ўз муносабатини эркин баён қилишга имкон берди.

Болаларнинг тайёргарлик даражаси тўғрисидаги дастлабки маълумотларни аниқлаш бўйича қайд қилиш экспериментини ўтказиш учун болаларнинг ёши, фамилияси, исми (қорақалпоқ тили бўйича нутқий ривожланиш даражаси) кўрсатилган схема-сўровномалар тайёрланди. Бу эса нутқий ривожланиш даражасининг дастур талабларига мослигини белгилаш, ҳар бир боланинг қизиқишлари, талаблари ва ютуқларини ҳамда билим олишдаги камчиликларини аниқлаш имконини берди.

Қайд қилиш эксперименти натижалари тилни ўзлаштириш даражаси ҳар хил эканлигини кўрсатди. Болалар саволларга, катталарга тақлид қилиб, ўзлари ёдлаб олган иборалар билан жавоб берди; мустақил равишда иборалар тузишга

кийналди; қорақалпоқ тили грамматикаси қоидаларига мувофиқ ўз фикрларини эркин баён қила олмадилар.

Болалар билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатдики, уларнинг аксарият қисми турли даражаларда икки тилликдир (рецептив, репродуктив, продуктив).

Нутқий ривожланишнинг паст даражаси айрим сўзларнигина айта олиш, саволларга жавоб қайтаришда элементар иборалардан фойдаланиш билан белгиланади. Ушбу гуруҳга мансуб болалар, одатда, на оилада, на богчада, на мактабда қорақалпоқ тилида сўзлашади. Натижада, улар қорақалпоқ нутқини ва ўзларига айтилган ибораларни қабул қилади, лекин тажриба йўқлиги сабабли ўз фикрларини баён қила олмадилар.

Ўртача, репродуктив даражага саволларга дарсларда ёдлаб олган ёки катталарга тақлид қилиш асосида ўрганган иборалар билан жавоб берган болалар киритилди. Улар шеърлар, эртақлар айтиб берди, топишмоқлар айтиб, жавобларини топдилар, лекин мустақил равишда иборалар тузишга қийналдилар. Улар мулоқот пайтида ўз фикрларини эркин ва мантиқий кетма-кетликда, қорақалпоқ тили грамматикаси қоидалари бўйича баён қила олмадилар.

Юқори даражага қорақалпоқ тилида ўз фикрларини эркин баён қила оладиган, ҳар қандай саволга қийналмасдан мантиқий изчилликда жавоб берадиган болалар киритилди. Улар шеърлар, эртақлар ва мақол-маталларни эркин айтиб бердилар.

Тадқиқотда тўпланган материални қайта ишлаш методлари алоҳида гуруҳни ташкил қилди. Энг мақбул метод сифатида Стюдент-Фишер методи қўлланилди. Ўқув жараёнидаги экспериментал ва назорат гуруҳлари натижалари 1-шаклда келтирилган. 911 та респондентлар билан эксперимент ўтказишда статистик қайта ишлаш учун 4 та гуруҳ, яъни 153 та респондентдан танлаб олинди: жумладан, 77 та экспериментал гуруҳларда ва 76 та – назорат гуруҳларида.

1- жадвал

Эксперимент натижалари бўйича назорат ва экспериментал гуруҳлар кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Болалар сони	Уч даражада тўғри жавоблар сони		
		Юқори (5)	Ўртача (4)	Паст (3)
Экспериментал	77	29	38	10
Нazorat	76	12	43	21

Ўзлаштириш коэффициенти, бошлангич синфларда қорақалпоқ тили бўйича ўқув материални ўзлаштиришда асосий категорияларнинг сўзлашиш кўникмалари натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш (%) ҳар бир респондент бўйича қуйидаги формула билан аниқланди:

$$K = \frac{J}{Q} 100\% .$$

Бунда: J – саволлар, масалалар, топшириқларга тўғри жавоблар олиш учун операциялар сони; Q – респондентларнинг умумий сони.

2 - жадвал

Назорат ва экспериментал гуруҳларда якуний баҳолар кўрсаткичлари (%)

	Гуруҳлар Баҳолар	Экспериментал	Назорат
1.	Юқори	$K_1 = \frac{29}{77} \cdot 100\% = 37,7\%$	$K_2 = \frac{12}{76} \cdot 100\% = 15,8\%$
2.	Ўртача	$K_1 = \frac{38}{77} \cdot 100\% = 49,3\%$	$K_2 = \frac{43}{76} \cdot 100\% = 56,6\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{10}{77} \cdot 100\% = 13\%$	$K_2 = \frac{21}{76} \cdot 100\% = 27,6\%$

Қуйидаги қаторларда 1 ва 2 - танланган гуруҳлар жавобларининг натижалари келтирилган.


1-танлов
(экспериментал гуруҳлар)
 $n=77$

X_i : юқори; ўртача; паст;
 n_i : 29; 38; 10.

2-танлов
(назорат гуруҳлари)
 $n=76$.

Y_j : юқори; ўртача; паст;
 n_j : 12; 43; 21.

Ушбу кўрсаткичлар диаграммаларда кўрсатилган (2-расм).



2-расм. Бу диаграммадаги кўрсаткичлар

Экспериментал ва назорат гуруҳларидаги респондентларнинг сўзлашиш кўникмалари, ўқув мақсадлари, билимларни ўзлаштиришдаги фарқлар асосида статистик муҳимлигини баҳолаш учун Стьюдент-Фишер тақсимлашлари қўлланилди.

Кўринадикки, юқорида кўрсатилган танловдаги экспериментал гуруҳлар учун мос келадиган ўртача ўзлаштириш коэффиценти $X > Y$ (экспериментдан кейин). Бу қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i x_i = \frac{29 \cdot 5 + 38 \cdot 4 + 10 \cdot 3}{29 + 38 + 10} = \frac{145 + 152 + 30}{77} = \frac{327}{77} = 4,2$$

$$Y = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^3 n_j y_j = \frac{12 \cdot 5 + 43 \cdot 4 + 21 \cdot 3}{12 + 43 + 21} = \frac{60 + 172 + 63}{76} = \frac{269}{76} = 3,9$$

Демак, экспериментал гуруҳнинг ўртача ўзлаштириш коэффициенти назорат гуруҳига нисбатан юқори: $X > Y$

Танловга мувофиқ, дисперсиянинг ўртача танловини ҳисоблаймиз:

$$D_y = \left(\sum_{i=1}^3 n_i (x_i - \bar{x})^2 / n - 1 \right) = \frac{29(5 - 4,2)^2 + 38(4 - 4,2)^2 + 10(3 - 4,2)^2}{76} =$$

$$= \frac{29 \cdot 0,64 + 38 \cdot 0,04 + 10 \cdot 1,44}{76} = \frac{18,56 + 1,52 + 14,4}{76} = \frac{34,48}{76} = 0,45$$

$$D_x = \sum_{i=1}^3 n_i (y_i - \bar{y})^2 / n - 1 = \frac{12(5 - 3,9)^2 + 43(4 - 3,9)^2 + 21(3 - 3,9)^2}{75} =$$

$$= \frac{12 \cdot 1,21 + 43 \cdot 0,01 + 21 \cdot 0,81}{75} = \frac{14,52 + 0,43 + 17,01}{75} = \frac{31,96}{75} = 0,42$$

Ўртача квадрат оғишларини ҳисоблаймиз:

$$\tau_y = \sqrt{0,45} = 0,67 \quad \tau_x = \sqrt{0,42} = 0,64$$

Шунинг асосида иккита гуруҳ учун вариациялар даражаси ҳисобланди:

$$\gamma_y = \frac{\tau_y}{X} = \frac{0,67}{4,2} = 0,15 \quad \gamma_x = \frac{\tau_x}{Y} = \frac{0,64}{3,9} = 0,16$$

Статистик назорат учун эркинлик даражаси $1 - \alpha = 0,95$. Танланган ишонч эҳтимоли $\alpha = 0,95$ билан респондентларнинг ўқув материални ўзлаштириши бўйича математик тахмин учун ишонч интервални топамиз:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_y}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_y}{\sqrt{n}}$$

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}}$$

$$2\Phi(t) = \gamma \quad \Phi(t) = 0,475$$

Стъюдент-Фишер жадвалидан кўринадики, $t_\gamma = 1,67$

Экспериментал гуруҳларда ушбу кўрсаткич қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{D_y}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,45}{\sqrt{77}} = \frac{1,67 \cdot 0,45}{8,77} = \frac{0,7515}{8,77} = 0,08$$

Назорат гуруҳларида:


$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,42}{\sqrt{76}} = \frac{1,67 \cdot 0,42}{8,71} = \frac{0,7014}{8,71} = 0,08$$

Баҳолашнинг ишонч интервали:

$$(4,2 - 0,08 \leq a_x \leq 4,2 + 0,08) \quad 4,12 \leq a_x \leq 4,28$$

$$(3,9 - 0,08 \leq a_y \leq 3,9 + 0,08) \quad 3,82 \leq a_y \leq 3,98$$

Респондентларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражасининг геометрик кўриниши:



Демак, танланган ишонч эҳтимоллиги $\alpha=0,95$ асосида экспериментал гуруҳларда ўртача баҳолар назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлигини тасдиқлаш мумкин. Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хулоса чиқади: ўтказилган эксперимент натижалари ижобий ҳисобланади. Кўрсатилган натижалардан экспериментнинг сифат кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин. Билимларни назорат қилишни баҳолаш критерийи – $K_{ббм}$ ва билимлар даражасини баҳолаш критерийи – $K_{бдб}$ деб оламыз.

$$K_{ббм} = \frac{(\bar{X} - \Delta_3)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,08}{3,9 + 0,08} = \frac{4,12}{3,98} = 1,03 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\bar{X} - \Delta_3) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,2 - 0,08) - (3,9 - 0,08) = 4,12 - 3,82 = 0,3 > 0;$$

Кўринадикки, билимларни назорат қилишни баҳолаш критерийи бирдан юқори ва билимлар даражасини баҳолаш критерийи нольдан юқори. Демак, экспериментал гуруҳларда сифат кўрсаткичи назорат гуруҳларига нисбатан юқори бўлган.

Экспериментал жараён тизимлилиги, босқичлилиги, мақсадга йўналтирилганлиги (илмий асослангани ва психологик-педагогик жиҳатдан исботлангани) билан ажралиб туради. Экспериментал жараённинг босқичма-босқич даражалари изчил, ўзаро боглиқ ва бирини бири тақозо қилиши, мустақил (ўзининг тузилиш-мазмун асоси, технологияси, методикаси ва фактик якуний материал билан тасдиқланадиган натижалар) бўлишидан қатъи назар, тадқиқ қилинаётган яхлит педагогик жараённинг таркибий қисми ҳисобланади. Экспериментал ўқитиш натижасида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш давомида билимлар, қобилиятлар ва кўникмалар даражаси кўтарилди.

Тадқиқотнинг ижобий натижалари туфайли сўзлашиш кўникмаларини, болаларнинг қобилиятлари ва тушунчаларини шакллантириш учун янада қулай шароитлар яратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, инновацион ва педагогик фаолият учун зарур бўлган ва мактабгача таълим муассасаларида дарсларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлайдиган методик билимлар, кўникмалар ва қобилиятлар тизими ишлаб чиқилди ва қорақалпоқ тили дарсларида синовдан ўтказилди. Бунинг учун болаларнинг сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш даражасини аниқловчи критерийлар ва уларни баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Экспериментал тадқиқотлар ёрдамида болаларни мактабга тайёрлаш учун замонавий методикалар, методик усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг тушунчаларини шакллантириш имкониятларини аниқлашга эришилди. Шунга боглиқ ҳолда, экспериментал тадқиқотларнинг объекти, мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Экспериментал-синов ишлари Нукус шаҳри, Хўжайли ва Тахиаташ туманларидаги мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилди. Экспериментал ишларга 250 нафар болалар ва 10 нафар педагог жалб қилинди.

Экспериментал ишлар давомида мазкур ташкилотларда яратилган зарур шароитлар асосида ўқитиш методикаси, методологик усуллари, технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланди, уларнинг қуйилган мақсадларга мувофиқ самарадорлиги ва сифат жиҳатидан юксалиши амалий

нуқтаи назардан исботланди. Болаларнинг билимлар, кўникмалар ва қобилиятларни онгли ва ижодий равишда ўзлаштириши, билимларни давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ тизимлаштириш асосий критерий сифатида олинди.

Ҳамма босқичлардаги экспериментал тадқиқотлар давомида олинган натижалар (диагностик ва прогностик, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи) мунтазам равишда таҳлил қилинди ва бунда шакллантирилган тушунчалар, олинган билимлар, кўникмалар ва қобилиятлар, болаларни баҳолаш охириги натижага асосланган бўлиб, улар асосида хулосалар, илмий асосланган тавсия ва таклифлар берилди. Такмиллаштирилган ва экспериментдан ўтган методика ва методик усуллар, технологиялар ва воситалар қорақалпоқ тилини ўргатишда болаларнинг сўзлашиш кўникмаларини шакллантиришда самарали эканини кўрсатди ва улардан фойдаланишнинг педагогик самарадорлиги аниқланди.


Тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва ҳаққонийлигини янада аниқлаштириш мақсадида олинган натижалар математик-статистик метод (Стьюдент-Фишер критерийи) ёрдамида таҳлил қилинди. Эксперимент натижаларининг кўрсаткичлари берилган саволлар, болаларнинг мустақил ишларини тадқиқ қилиш асосида умумлаштирилди. Умумлаштириш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Экспериментал ишлар натижалари

Назорат гуруҳи (125 нафар бола)				Экспериментал гуруҳ (125 нафар бола)			
Қониқарсиз	Қониқарли	Яхши	Аъло	Қониқарсиз	Қониқарли	Яхши	Аъло
5	30	46	44	0	22	50	53

Жадвалдан кўринадики, назорат гуруҳида сўзлашиш кўникмалари даражаси паст, экспериментал гуруҳдаги умумлаштириш даражаси эса юқори, бу эса ушбу болаларнинг билим ва кўникмалари ривожланган ва ўсганидан далолат беради. Бу ҳолат 3-расмда келтирилган.



3-расм. Экспериментал ва назорат гуруҳлари кўрсаткичлари

Расмдан кўринадики, экспериментал гуруҳдаги яхши балл тўплаган болалар фоизи назорат гуруҳига нисбатан 6-8% га кўпайган ва тегишлича ўртача балл тўплаган болалар – 5,5%, паст даражадаги болалар – 11,5%. Шундай қилиб, экспериментал ва назорат гуруҳларидаги олинган натижалар ҳар хил эканлиги ва самарадорликка эришилганлиги кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, экспериментал тадқиқотнинг барча босқичларида фонетика, лексика, грамматика ва равон нутқ тўғрисида берилган билимларни қайта кўриб чиқишга жиддий зарурат сезилди. Экспериментал гуруҳдаги болалар лексик синонимларни қўллашга боғлиқ машқлар ва нутқий вазиятларни эркин бажариб, фонетика, лексика, грамматика ва равон нутқни енгил ўзлаштирдилар. Назорат гуруҳларидаги болалар эса қорақалпоқ тилида гаплар ва ибораларни мустақил тузиш мақсадида лексик синонимларни қўллаш кўникмалари ва қобилиятларини ўзлаштира олмадилар: улар тайёр ибораларни такрорлашни давом этдилар, чунки уларда қорақалпоқ тилида сўзлашиш бўйича лексик ва грамматик кўникмалар, тўғри грамматик ҳаракатлар мавжуд эмас эди.

Умуман, ўқув эксперименти, бир томондан, фонетика, лексика, грамматика ва равон нутқни ўргатишда (бошлангич синфларда матнлар тузишда) қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини, турли шакллардаги иборалар, диалоглар, намунага суянган ҳолда баёнлар ва фикр-мулоҳазалар тузиш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади, иккинчи томондан, сўзлашув вазиятига мувофиқ битта ёки бир неча микроматнлардан иборат шахсий ибораларни мотивациялаган ҳолда тузиш кўникмаларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари биз олга сурган гипотезанинг тўғрилигини тасдиқлади.

ХУЛОСА

«Икки тиллилик шароитида қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш (таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида)» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бугунги кунда ҳар бир шахс жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун назарий билимларни чуқур эгаллаши билан бирга, уларни амалиётда самарали қўллай олиши ва мунтазам равишда икки тиллилик шароитида қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларига эга бўлиши зарур. Бунинг учун ўз фаолиятида юзага келадиган муаммоларни мустақил тарзда аниқлаб, бартараф қила олиш, бошқалар билан мулоқот юритиш, турли шароитлар ва электрон манбалардан олинган маълумотлар билан ишлаш ва тўғри фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш талаб қилинади. Тил таълимига компетент ёндашув таянч компетенциялар орқали коммуникатив компетенцияни шакллантириш ҳамда болаларни эркин мулоқот юритишга ўргатишга кўмаклашади.

2. Ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг ахлоқий ўзаро муносабатларини шакллантириш замонавий педагогика фани ва амалиётининг долзарб

муаммоларидан бирига айланмоқда. Уларда болалар мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфлари ишларининг самарадорлигини ошириш резервлари мавжуд. Тарбия ва таълим мазмунини илмий-техник прогрессга мувофиқ қайта қуриш, ўқув ишлари ва ўқитиш методикаларини ташкил қилишни такомиллаштириш, турли вазиятлар ва тадбирларнинг тарбиявий имкониятларини ошириш – буларнинг ҳаммаси қорақалпоқ тилида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

3. Коммуникатив муносабатлар концепциясининг онтогенезида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида ўзаро алоқага асосланган шахслар фаолияти жамланган. Шахс, биринчидан, одамнинг ўзига ва бошқаларга фаол-ҳаракат муносабатида, иккинчидан, унинг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий йўналтирилганлигида, учинчидан, унинг амалий тажрибаси, ўзини ва бошқани мулоқот жараёнига, биргаликдаги фаолиятга жалб қила олишида намоён бўлади.

4. Тадқиқотда ишлаб чиқилган билингвизм шароитларида сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш концепцияси тилнинг фонетик, лексик, грамматик тизимини шакллантириш ва нутқни ривожлантириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш учун имкониятлар очиб беради. Рус гуруҳ ва синфларда қорақалпоқ тили таълимининг ўқув-дастурий таъминотини коммуникатив йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқиш болаларни компетент ёндашув асосида тайёрлаш самарадорлигини оширади.

5. Болаларнинг фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўқувчилар ва болаларнинг билимлари сифатини такомиллаштиришнинг самарали йўлларида бири мулоқот кўникмаларини шакллантириш ва ўйинлардан тизимли равишда фойдаланиш ҳисобланади. Ўйинлар таълим жараёнида бир вақтнинг ўзида ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш функцияларини таъминлайди. Тадқиқот давомида аниқландики, ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўйин ва ситуатив моментлар етарли қўлланилмайди. Айни пайтда, мулоқот жараёнида, турли шакл ва турлардаги ўйин топшириқларини бажаришда болаларнинг ижодий фаолиятининг даражаси кўтарилади. Бунинг учун қорақалпоқ тили фанининг мазмунини қизиқарли мавзулар, ўқув модуллари билан тўлдириш зарур.

6. Қорақалпоқ тили фани бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув кўлланмалар, қорақалпоқ тили машгулотларининг ўтказилишининг ташкил этилганлиги ҳолати, шунингдек, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳ ва синфларида қорақалпоқ тили фанидан таълим берувчи ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлили мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида давлат тилида мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш методикаси зарурлигини кўрсатди.

7. Ситуатив ўйинларни қўллаш машқлар сонини кўпайтиришга, ситуатив ва муаммоли ҳолатлар характерини кенгайтиришга, болаларнинг ижодий фаолиятининг ўсишини таъминлашга, ўқувчиларнинг ижодий қизиқишларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига ёрдам беради. Болаларнинг билиш фаолиятига ўйин шакллари ва ситуацияларини киритиш натижасида педагоглар ва болалар орасида фаол ўзаро алоқалар амалга

оширилмоқда, бу жараёнда ситуатив ва ўйин ҳаракатлари тизими орқали ўқув вазибалари ҳал қилинишига эришилади.

8. Машқлар ва дидактик, театрлаштирилган ўйинларни бажариш натижалари – нутқ пайдо қилиш жараёнида сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишда онгли ақлий ҳаракатлардан онгсиз автоматик тарздаги кўникмаларга аста-секин ўтиш, шунингдек, мазкур жараённинг тезлашиши ҳисобланади. Билимлар, қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган, ўқитишнинг бошланғич босқичида тўла онглиликни таъминловчи машқлар тизимининг тўғрилиги ва юқори самарадорлигининг сўзсиз исботи шундан иборатки, ўқувчиларга сўзларнинг фонетик вариантлари тақдим этилди, уларни талаффуз қилиш ва ёзиш қоидалари тушунтирилди. Назорат синфларидаги болалар бу қоидаларни билмагани туфайли грамматик воситаларни қўллашда қийналди, ҳарфлар ва сўзлар (аффикслар)нинг фонетик вариантларини қўллаш қоидалари тўғрисида билимлари йўқлиги сабабли сўзларни алмаштира олмади. Экспериментал синфлардаги болалар сўзларни қўллаш машқларини бажариш йўли билан грамматик ҳаракатларни амалга ошириш имконига эга бўлди.

9. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида огзаки мулоқотнинг аҳамияти юқорилигини ҳисобга олиб, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳ ва синфлари болаларида огзаки мулоқотнинг монологик ва диалогик шаклларини уч босқичли тизим асосида ривожлантириб бориш, бунда аудио ва видеотехнологиялар, таълимнинг фаол методлари, фикрни мантиқий боғланган, равлон ва асосли ифодалаш ҳамда мустақил фикр билдириш кўникма-малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган машқ ҳамда топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

10. Тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги тажриба гуруҳ ва синфлари болаларининг давлат тилида мулоқот юритиш компетенциялари ривожланганлиги кўрсаткичлари сезиларли ўсганлигини кўрсатди. Статистик кўрсаткичлар тадқиқотда тақлиф қилинган давлат тилида мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришнинг самарали методикасини қўллаш натижасида рус тилида таълим олиб бориладиган гуруҳ ва синфлари болаларининг огзаки ва ёзма мулоқот юритиш малакалари ҳамда кўникмалари яхши ривожланганлигини далиллади. Болаларнинг давлат тилида мулоқот юритиш компетенцияси ривожланганлиги кўрсаткичлари мактабгача таълим ташкилотларида ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида қорақалпоқ тили таълимини ташкил қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида миллий кадрлар тайёрлашга замонавий талаблар ўқувчилар шахсини ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо қилади. Бунда энг муҳим компонент – тил маданияти, она тилини, жумладан, қорақалпоқ тилини мукамал ўзлаштириш ҳисобланади. Тил тайёргарлиги, энг аввало, тўғри талаффуз қилиш, лексика, грамматика ва равлон нутқ бўйича кўникмалар ва қобилиятларни мукамал шакллантиришни ўз ичига олади. Бунинг базавий тузилиши эса сўзлашиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 AT THE
KARAKALPAK STATE UNIVERSITY**

NUKUS STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE

JUMASHEVA GULNARA KHAMIDULLAEVNA

**FORMATION OF COMMUNICATION SKILLS IN THE KARAKALPAK
LANGUAGE IN THE CONDITIONS OF BILINGUISM
(in preschool educational organizations and primary classes of general
education schools with the Russian language teaching)**

**13.00.02 – «Theory and methods of teaching and education
(Karakalpak language)»**

**ABSTRACT
OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR
OF PEDAGOGICAL SCIENCES (DSc)**

INTRODUCTION (Abstract of the dissertation of the DSc)

The aim of the research work is to develop recommendations and conclusions on the development of speech communication skills in the Karakalpak language in children of preschool and primary school age in the conditions of bilingualism.

The object of the research work is the process of formation of conversational skills in the Karakalpak language in children of preschool educational institutions and primary grades of secondary schools where teaching is conducted in Russian language. In total, 911 children participated in the experiment, among them are primary school pupils of secondary schools No. 27, 31, 34 and gymnasium No. 1 of Nukus city, No. 71 of the Khodjeyli district and No. 3 of the Takhiatash district, as well as pupils of preschool educational institutions No. 30, 34, 35 of Nukus city, No. 15 of the Khodjeyli district and No. 2 of the Takhiatash district.

The scientific novelty of the research is as follows:

the linguodidactic foundations of a competent approach to teaching languages and its application in teaching the Karakalpak language to children of Russian-speaking groups and classes in bilingual conditions have been improved; improvement of linguodidactic conditions of speech development, on the basis of teaching children various types of activities (games, exercises, works, visual activity, artistic speech, etc.);

The competence of students' speech skills in the Karakalpak language in primary grades, where instruction is conducted in Russian, is divided into components of language and communicative culture, language competence and the development of independent mastery of knowledge in oral and written speech, types of speech (monologue and dialogue);

the cognitive, emotional and active stages of teaching the application of theoretical rules in practice in the lessons of the Karakalpak language were improved on the basis of reflexive technologies, such as work on mistakes based on a praxeological approach, retelling, free writing;

reflexive technologies based on an experimentally confirmed praxeological approach to the formation of Karakalpak speech skills in bilingual conditions: interactive methods, a developed methodological system of authentic teaching materials, theoretical study of grammatical units based on the cooperation of a teacher and a student on the basis of divergent and convergent approaches;

a three-stage system for the development of monologue and dialogical speech receptive, reproductive, productive in children in bilingual conditions has been developed.

Implementation of the research results.

The results of the research concerning the achievement of high efficiency in the formation of communication skills in the Karakalpak language in the context of bilingualism in preschool and primary school children:

proposals for the development of children's communication skills in bilingualism in the lessons of speech development, linguistic competence and the

ability to independently acquire knowledge are introduced into the contents of the monographs "Theoretical and methodological foundations for the formation of communication skills in the Karakalpak language" are implemented in city and district preschool educational organizations of the department of preschool education of the Republic of Karakalpakstan (Reference of the Ministry of Preschool Education of the Republic of Karakalpakstan No. 01-01-08/1280, September 25, 2020). As a result, teaching materials were systematized to improve the effectiveness of practical application of theoretical knowledge by preschool children in speech development lessons;

in the development of assessment criteria based on a competent approach on the subject «Qaraqalpaq tili» (UDC 811.512.121'242 (754.2) grade 2), (UDC 811.512.121'242 (754.2) grade 3), proposals were used on the methodology of comprehending and applying theoretical rules in practice, sensitive teaching of grammatical units based on the cooperation of a teacher and a pupil on the basis of divergent and convergent approaches in the primary grades of general education schools with the Russian language teaching (Reference No. 01-01/10-2580 of the Ministry of Public Education of the Republic of Karakalpakstan, September 25, 2020). As a result, teaching materials were systematized to improve the efficiency of practical application of theoretical knowledge by preschool children in speech development lessons;

suggestions and recommendations on the practical application of theoretical rules in the lessons of the Karakalpak language, their stages of study, reflexive technologies, are based on a praxeological approach: interactive methods, preparation of authentic teaching materials were reflected in the part of teaching methods of the Karakalpak language and literature under a fundamental grant for 2017-2020 "Methodology for the development of the native language and literature in accordance with the new alphabet and grammar rules of the Karakalpak language" of the Karakalpak branch of the Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences (Reference from the Karakalpak branch of the Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after Zh.Urunbaev No. 165, September 25, 2020). These materials served to increase the creative activity of the speech and linguistic competence of primary school pupils of secondary schools with the Russian language teaching.

recommendations on the formation of listening skills and abilities, reception and understanding of the Karakalpak text, independent preparation of a sentence, assimilation of the heard, written and oral presentation of their relations have been introduced into the education system (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education No. 89-03-3856, October 12, 2020).

As a result, theoretical approaches to pedagogical theory and practice are presented, which serve as a scientific methodological source for students, undergraduates and teachers of the pedagogical direction.

The outline of the thesis. The thesis consists of the introduction, four chapters with outputs, the conclusion, the references and the appendix. The volume of the thesis is 267 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РУЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим, I part)

1. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке средствами театрализованных игр. Монография. – Нукус: Билим, 1997. – 64 с.

2. Жумашева Г.Х. Теоретико-методические основы формирования навыков общения на каракалпакском языке. Монография. – Т.: Фан, 2007. 11 п./л.

3. Жумашева Г.Х. Формирование навыков общения на каракалпакском языке в условиях двуязычия // Вопросы, гипотезы, ответы: наука XXI века. Часть 5. Глава 14. Коллективная монография. – Краснодар, 2015. – С. 224-243.

4. Jumashева G.X. Qaraqalpaq tili / Oqıw basqa tillerde alıp barılatuǵın mekteplerdiń 2-klasları ushın sabaqlıq. – Nókis: Bilim, 2013, 2019. -112 b.

5. Jumashева G.X. Qaraqalpaq tili / Oqıw basqa tillerde alıp barılatuǵın mekteplerdiń 3-klasları ushın sabaqlıq. – Nókis: Bilim, 2013, 2019. – 124 b.

6. Жумашева Г.Х. Балаларга каракалпак тилин үйретиўде дидактикалык ойынлардан пайдаланыў. – Нөкис: Билим, 2001. – 60 б.

7. Жумашева Г.Х. Формирование навыков общения на основе преемственности и непрерывности образования // Узликсиз таълим. – Т., 2002. - № 2. – С. 59-64. (13.00.00; №9).

8. Жумашева Г.Х. Общения-средства формирование личности // Халк таълими. – Т., 2002. - № 4. – С. 122-125. (13.00.00; № 17).

9. Жумашева Г.Х. Приемы активизация мыслительной деятельности детей // Узликсиз таълим. – Т., 2003. - №5. – С. 67-72. (13.00.00; №9).

10. Жумашева Г.Х. Работа над словом-основа формирования навыков общения // Узликсиз таълим. – Т., 2003. - №26. – С. 65-73. (13.00.00; №9).

11. Жумашева Г.Х. Үзликсизлик хэм избе-излилик принципине тийкарланып балаларда сөйлеў көнликпелерин қәлиплестириў // Илим хэм жәмийет. – Нөкис, 2004. - №1. – Б. 17-20. (13.00.00; №3).

12. Жумашева Г.Х. Тилди үйретиў-жәмийетимиздиң тийкаргы ўазыйпасы // Мугаллим хэм ўзликсиз билимлендириў. – Нөкис, 2006. - № 1. – Б.37-39. (13.00.00; № 20).

13. Жумашева Г.Х. Педагогические основы обучения каракалпакскому языку на начальном этапе обучения // Мугаллим хэм ўзликсиз билимлендириў. – Нөкис, 2009. - № 5-6. – С.131-133. (13.00.00; №20).

14. Жумашева Г.Х. Методика преподавания каракалпакского языка на начальном этапе обучения // Мугаллим хэм ўзликсиз билимлендириў. –Нөкис, 2010. - №4. – С. 78-79. (13.00.00; №20).

15. Жумашева Г.Х. Психологические основы речевого общения на каракалпакском языке // Вопросы гуманитарных наук. – Россия, 2010. - №3 (47). – С. 277-279. ISSN 1684-2626, ISSN 1684-2618.

16. Жумашева Г.Х. Проблемы определения уровня речевого общения детей на каракалпакском языке // Мугаллим хәм үзликсиз билимлендириў. – Нөкис, 2010. - №5. – С.69-71. (13.00.00; №20)

17. Jumasheva G.Kh. Psycholinguistik dases of communication skills and abilities in kara-kalpak language // «The Adbanced Science». open access journal, Editor-in-Chief – USA, 2011. - №4. – С.75-78. ISSN 2219-746X (Print) VOLUME 2011 ISSUE 4.

18. Жумашева Г.Х. Болаларнинг нуткий тайёргарлик даражасини текшереш // Халк таълими. – Т., 2011. - №2. – Б. 50-54. (13.00.00; №17).

19. Jumasheva G.Kh. Content of teaching communication in the karakalpak language in kindergartens and primary schools of Karakalpakstan // European Journal of Molecular & Clinical Medicine. ISSN 2515-8260. Volume 7. Issue 11. 2020. – С. 330-338.

20. Жумашева Г.Х. Қаракалпак тилин мецгерийде сөйлеўге үйретиўдиц әхмийети // Мугаллим хәм үзликсиз билимлендириў. – Нөкис, 2012. - № 3. – Б. 3-6. (13.00.00; №20).

21. Жумашева Г.Х. Обучение дошкольников связному высказыванию на каракалпакском языке на основе инновационной технологии // Мугаллим хәм үзликсиз билимлендириў. – Нөкис, 2012. - №4. – С. 51-54. (13.00.00; №20).

22. Рахманкулова Н.Х., Жумашева Г.Х. Овладение навыками и умениями общения на каракалпакском языке // Педагогика. – Т., 2015. - №5. – С. 91-98. (13.00.00; №6).

23. Рахманкулова Н.Х., Жумашева Г.Х. Изучение состояния работы по формированию навыков общения на каракалпакском языке в условиях билингвизма // Илим хәм жәмийет. – Нукус, 2015. - № 4. – С. 60-62. (13.00.00; № 3).

24. Жумашева Г.Х. Баслаўыш класс оқыўшылардыц сөйлеў тилин өсирийдиц методлары хәм усыллары // Илим хәм жәмийет.– Нөкис, 2018. - №2. – Б. 65-67. (13.00.00; №3).

25. Жумашева Г.Х. Методологические основы обучения каракалпакскому языку как средству общения // Казахстан на этапе социально-политического и экономического развития в условиях глобализации: Материалы международной научно-практической конференции. Т. II. – Тараз, 2008. – С. 32-34.

26. Жумашева Г.Х. Сущность психологической концепции общения на каракалпакском языке: Слово. Предложение. Текст: анализ языковой культуры: Сборник научных трудов. Материалы УШ международной научно-практической конференции. 22-июля 2015 г. – Краснодар, 2015. – С. 30-36.

II часть (II бўлим, II part)

27. Жумашева Г.Х. Балаларда мәдениятлы қатнасық тийкарларын кәлиплестириў // Қаракалпакстан мугаллими. – Нөкис, 1998. - №3-4. – Б. 32-35.

28. Жумашева Г.Х. Маънавий бойлик намуналари // Бошлангич таълим. – Т., 2000. - №3. – Б. 23-24.

29. Жумашева Г.Х. Формирование речевых умений и навыков общения на начальном этапе обучения // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2002. - № 4. – С. 105-106.
30. Жумашева Г.Х. Методика обучения общению на каракалпакском языке // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2003. - №5. – С.113-115.
31. Жумашева Г.Х. Народное творчество воспитывает критический ум // Халқ таълими. –Т., 2004. - №5. – С.143-145.
32. Жумашева Г.Х. Танкидий тафаккурни ривожлантириш асослари: Бошлангич таълимда тезкорлик, зийраклик, оз-озига танкидий муносабат ва фаолияти ҳамда ўртоклари характерларини баҳолай олиш // Бошлангич таълим. – Т., 2004. - №6. – Б. 28-29.
33. Жумашева Г.Х. Формирование личности детей в трудах мыслителей Востока // Халқ таълими. – Т., 2006. - №4. – С.159-160.
34. Жумашева Г.Х. Тил – бебаха хазина // Мактабгача таълим. – Т., 2011. - №1. – Б. 50-54.
35. Жумашева Г.Х. Преемственность и непрерывность обучения в формировании навыков общения // Илим ҳам жэмийет. – Нөкис, 2012. - №1-2. – С. 85-88.
36. Жумашева Г.Х., Өтениязова Ш. Балаларда сөйлеу көнликпелерин кәлиплестириу заман талабы // Мугаллим ҳам үзиликсиз билимлендириу. – Нөкис, 2014. - № 5-6. – Б. 16-19.
37. Жумашева Г.Х., Қарлыбаева Ж. Формирование у ребёнка потребности в общении // Бобек международный научно-практический журнал. Серия «Педагогическая наука». Т. V. – Казакстан, 2020. - №6. – С. 158-161.
38. Жумашева Г.Х. Методологические основы развития каракалпакской разговорной речи // Сборник статей профессорско-преподавательского состава КГУ. – Т., 2002. – С. 149-154.
39. Жумашева Г.Х. Формирование культуры общения в условиях русско-каракалпакского двуязычия на основе преемственности детского сада и школы: Сборник научных трудов профессорско-преподавательского состава НГПИ // Вопросы филологии. – вып. III. – Нукус: Билим, 2002. – 5,5 п/л.
40. Жумашева Г.Х. Творческий подход к обучению дошкольников и младших школьников с использованием приёма сопоставления русского и каракалпакского языков / Формирование всесторонне развитой личности в системе непрерывного образования Республики Узбекистан на современном этапе: Сборник научно-методических статей. Ч. I. – Т., 2002. – 11,5 п./л., – С. 149-154.
41. Жумашева Г.Х. Формирование языковых способностей у дошкольников: Пути повышения качества образования и воспитания в учебных заведениях Узбекистана на современном этапе // Сборник научно-методических статей. – Т., 2004. – 13,5 п/л.
42. Жумашева Г.Х. Дифференцированное обучение в овладении каракалпакским языком / Вопросы филологии: Сборник научных трудов профессорско-преподавательского состава НГПИ. – вып. V. – Нукус: Билим, 2004. – С. 48-52.

43. Жумашева Г.Х. Интерферирующее влияние родного языка при обучении каракалпакскому языку // Актуальные проблемы гармоничного воспитания личности на современном этапе: Сборник научно-методической статей. Ч. II. – Т., 2004. – 12,3 п/л.

44. Жумашева Г.Х. Пути и формирование навыков общения у детей // Новые педагогические технологии: проблемы и их пути решения: Материалы научно-практической конференций. – Т., 1999. – С. 75-78.

45. Жумашева Г.Х. Совершенствование учебно-методического комплекса (УМК) с русским языком обучения с опорой на принципы преемственности и непрерывности образования // Узликсиз таълим жараёнини ўқув-методик мажмуй билан таъминлаш муамоллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2001. – Б. 153-158.

46. Жумашева Г.Х. Формирование навыков общения учащихся с опорой на педагогические наследие мыслителей Востока // Ўзбекистон Республикасида Кадрлар таёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилишнинг II бошқичида педагогика фанининг вазифалари: Материалы республиканской научной конференций. – Т., 2002. – С. 243-247.

47. Жумашева Г.Х. Индивидуальный подход к детям в процессе обучения каракалпакскому языку // Умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари: Материалы республиканской научно-практической конференции УзНИИПН, 19-20 ноября. – Т., 2003. – С.68-69.

48. Жумашева Г.Х. Балалардың дәретиўшилиқ қәбилетлилигин раўажландырыў // Жас әўладқа заманагөй тәлим-тәрбия бериўдиң актуаль мәселелери: Илимий әмелий конференция материаллары. – Нөкис, 2008. – С.140-141.

49. Жумашева Г.Х. Формирование навыков общения основа национального самосознания у детей / Сборник материалов международной научно-теоретической конференции, посвященной юбилею 70-летию профессора У.Алеуова по теме «Ведущий ученый в педагогической науке Центральной Азии». 27-май, 2015 г. КГУ. – Нукус, 2015. – С.103-105.

50. Жумашева Г.Х. Проблемы формирования навыков общения на втором языке на начальном этапе обучения с помощью модульной технологии / Перспективы применения модульных технологий обучения в системе непрерывного образования: проблемы решения: Материалы международной научно-практической конференции. – Т., 2018. – С. 86-87.

51. Жумашева Г.Х. Мектепке шекемги жастагы баланың интеллектуал дәрәжесин раўажландырыў // Мектепке шекемги тәлимге заманагөй жантасыў жаслардың нәзеринде: Республикалық онлайн конференция материаллары. – Нөкис, 2020. – Б. 7-9.

52. Карлыбаева Ж., Жумашева Г.Х. Проблемы речевого развития детей дошкольных учебных заведений // Научно-электронный журнал «Академическая публикация» (ISSN 2541-8076) в №2021-3.

Коракалпок давлат университетининг «Ахборотномаси» журналида тахирдан ўтказилиб, ўзбек ва инглиз тилларидаги матилар ўзаро мувофиқлаштирилди (27.07.2021)



Босишга рухсат этилди: 27.07.2021 йил.
Буюртма №0274. Адади 100 нусха. Бичими 60x84
Босма табоғи 4,2. «Times New Roman» гарнитураси.
Ажипёз номидаги НДПИ босмаҳонасида чоп этилди.
Нукус П.Сейтов кўчаси р/у